



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСİY КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (12.049)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ички бозорда харидор талабини қондириш баробарида ташқи бозорни ҳам тинмай ўрганиб, шу асосда маҳсулот экспортни йўлга қўйган тадбиркор жамоаларнинг иқтисодийтимиз ривожидagi ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

Бугунги бозор талабларини ўрганган ҳолда иш юритаётган «Turon Garments» масъулияти чекланган жамиятида ҳам маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотларга қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Бунинг асосий боиси эса сифатга, маҳсулотнинг рақобатбардор турларини тайёрлашга қаратилган катта эътибордир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, корхона ўз фаолиятини 20 нафар ишчи билан бошлаган бўлиб, бозорни ўрганиш асосида иш юритиш буюртмачилар сафининг ортиши, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайишида муҳим аҳамият касб

эти. Натижада ишчи-ҳодимлар сони ҳам икки баравардан зиёдга ортди. Импорт ўрнини босиши баробарида экспортбонлиги билан ҳам ажралиб турган трикотаж кийим-кечакларининг бир қисми Қозғоғистон давлатига экспорт қилинмоқда. Келгусида эса хорижий харидорлар сафини орттириш, экспортни халқаро андозаларга мос маҳсулотлар эвазига кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Албатта, бундай харидорлар маҳсулотларини ишлаб чиқаришда малакали мутахассисларга чет давлатлар, яъни Германия, Япония, Туркиядан келтириб ўрнатилган техноло-

гик линия ҳамда дастгоҳлар қўл келяпти.

Корхона дизайнер-модельерлари айни пайтда қизгин изланишларда бўлиб, келгуси йилнинг янги лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Уларнинг яратган янги-янги моделдаги 100 фоиз пахта хом ашёсидан тайёрланадиган трикотаж маҳсулотлари харидор дид ҳамда эҳтиёжига мослиги билан талабни қондириши, шубҳасиз, Харидорларга қулайлик яратишни режалаштирган тадбиркорлар ўз фирма дўконларини ҳам ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат

ГФР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Яқинда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида Берлин/Бранденбург ҳудуди Иқтисодий консуллар бирлашмаси ҳамда Етақчи экспертлар хизматининг (SES) Берлиндаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган мамлакатимиз сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти мавзусидаги «давра суҳбати» немис оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Жумладан, умумжаҳон ахборот тизимидаги «Berliner-Blatt» ва «studio96-berlin.de» электрон нашрлари саҳифаларида эълон қилинган «Ўзбекистонга сармоя киритиш» сарлавҳали мақола ўқувчиларни Ўзбекистоннинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонасида бўлиб ўтган мазкур тадбир тафсилотлари билан атофлича таништиради.

«Давра суҳбати» чоғида элчихона ва Берлин/Бранденбург ҳудуди Иқтисодий консуллар бирлашмаси, шунингдек, Ўзбекистон билан яқин иқтисодий алоқалар ўрнатган Германия ишбилармон доираларининг вакиллари тадбир иштирокчиларини республикада хорижий сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда мамлакатда сармоявий муҳитни либераллаштириш бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништирдилар», дея қайд этилади мазкур мақолада.

Унда 20 йил муқаддам мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон тўла энергетика мустақиллигига ҳам эришгани алоҳида таъкидланади. «Газ, нефт, кўмир, ва уран сингари фойдали қазилмалар захирасига эга бўлган республика уларни бошқа мамлакатлардан импорт қилмасдан туриб ўзининг ички эҳтиёжларини таъминлайди. Ўзбекистоннинг яна бир муҳим афзаллиги бор: бу мамлакат жуда қулай жўғрофий жойлашувга эга — Ўзбе-

кистон Шарқ ва Ғарб ўртасидаги жаҳон асосий савдо йўллари яқин ерда қарор топган», дея хабар беради мақола муаллифи.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг хорижий сармоядорларни ҳимоя этиш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани республика иқтисодиётига сармоялар ётқириш жозибадорлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади ҳам мақолада алоҳида таъкидланади. «Шу боисдан ҳам мамлакат халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган салмоқли илмий-тадқиқот базасига эга. Кўплаб чет эллик сармоядорлар, жумладан, немис сармоядорлари ҳам турли ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда».

Шу билан бирга мазкур мақолада Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳам атофлича қаламга олинган. «Мамлакат тарихи минг йилликларнинг илдизларига бориб тақалади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар бағрида жойлашган кўплаб тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатидан жой олган. Мазкур шаҳарларда бунёд этилган замонавий меъморий иншоотларнинг ташқи қўрилиши эса тарихий-меъморий ёдгорликлар кўфаси билан уйғунлашиб кетган», дея хабар берилади ушбу мақолада.

«Жаҳон» АА
Берлин

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидан демократик дунёвий давлат қуриш йўлидан қатъият билан бормоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва эътибори тўғрисида ҳамда виждон эркинлиги соҳасида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар юртимизда диний ҳаётга жиддий таъсир кўрсатди, натижада диний ташкилотлар мақоми ўзгарди ва фуқароларнинг дин борасидаги эркинликлари сезиларли даражада кенгайди.

Ўзбекистонда 2225 диний ташкилот, жумладан, 2050 мусулмон, 158 христиан ташкилоти, 8 иудей, 6 бахаистик, битта кришнаитлар жамияти, будда ибодатхонаси, шунингдек, динлараро Ўзбекистон Библия жамияти рўйхатга олинган.

Диний ташкилотлар жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, ижтимоий хайр-саховат ишлари, маданий-маърифий, таълим, ноширлик ва ҳўжалик фаолияти билан самарали шуғулланмоқда. Айнан шу боис Ўзбекистонда фуқароларнинг эътиқод эркинлигига доир ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча шарт-шароит яратилган, дейишга етарли асослар бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, миллатлараро тотувлик ва динлараро бирдамликка эришиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг қонун олдига тенглигини таъминлаш жамиятини ислоҳ қилишининг асосий устувор йўналишларидан бири, деб белгиланган.

Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархиясининг миллатлараро тинчлик, турли динга эътиқод қилувчи фуқароларнинг тотувлиги ҳамда дўстлигини таъминлашдаги роли юқори баҳоламоқда. Зеро, православие Ўзбекистонда ислом динидан кейинги энг катта диний конфессиядир. Бугун мамлакатимиздаги 158 христиан ташкилотининг тўртдан бир қисмини пра-

вослав қавми вакиллари ташкил этиши ҳам бундан тасдиқлайди. Епархиял бошқарма, Тошкент православ диний семинарияси, Муқаддас Успенский кафедрал собори, 32 ибодатхона, иккита аёллар, битта эркаклар монастыри шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва диний муҳит Рус православ черкови ва Ўрта Осиё митрополит

ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИДА

округига бундан кейин ҳам самарали фаолият кўрсатиш имконини беради. Ўзбекистоннинг энг яхши ва чиройли театрларидан бири — Академик рус драма театрида Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархиясининг 140 йиллигини нишонлаш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан православ дини вакилларининг пойтахтимизга ташриф буюргани ҳам бунинг далилидир.

Рус православ черкови юбилейини ўзбек заминидан нишонлаётганимиз қувонарли ҳолдир, — деди Ўрта Осиё митрополити округи раҳбари, Тошкент ва Ўзбекистон митрополити Викентий. — 140 йил, сўзсиз, шонли ва муҳим сана бўлиб, тарихимизнинг унутилмас саҳифалари, православие динининг дўст Ўрта Осиё заминидан қарор топиши ҳамда ривожланишидан далолат

беради. Шубҳасиз, Рус православ черкови бундан буён ҳам Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг бирдамлиги, тинчлик-тотувлиги ва бағрикенглигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита кўмағида Рус православ черковининг Ўрта Осиё митрополит округи томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вази фасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов, Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев ва бошқалар Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси вакиллари, шунингдек, православие динига эътиқод қилувчиларни ушбу сомонга сана билан таништириш учун маросимга ташриф буюрдилар. Улар Ўзбекистон ҳукуматининг демократия голярига содиқлиги, жамиятнинг дунёвий ривожлантириш йўли танлангани динлар ҳамда диний озчилик вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратиш имконини берганини таъкидладилар. Ўзбекистонда барча динлар вакиллари диний байрамларни, расм-русум ва маросимларни эмин-эркин ўтказмоқда. Пойтахтимизда Рус православ черкови Тошкент Епархиясининг юбилейига бағишлаб ўтказилган тантанали концерт ҳам шундан ёрқин далолатдир.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Тюрденев ушбу тадбир Ўзбекистон эътиқод эркинлиги, мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлаш бўйича ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни сўзда эмас, балки амалда бажараётганининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади.

М. МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

ЖАҲОНДА

- Токиода Ўзбекистоннинг сайёҳлик масканлари ва бой маданий мероси мавзусига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Токиодаги дипломатия ваколатхонаси, Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси (JATA), «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ваколатхонаси ва «AJT INC» япон сайёҳлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.
- Нью-Йорк полицияси икки йил мобайнида бир хил манзил бўйича 150 мартаба ёлғон шикоятлар билан полициячиларни қақириб безовта қилган одамни ҳибсга олди.
- Афғонистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тарқатилган маълумотларга қўбита, Кобулда содир этилган теракт оқибатида 54 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Яна бир ярим мингдан кўп одамлар турли даражадаги жароҳатлар билан шифохоналарга ётқизилган. Шу сабабли ҳалок бўлганлар сони янада кўпайиши мумкин.
- Хитойда Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш вазирлиги вакилининг берган хабарига кўра, одам савдоси билан шуғулланганликда гумон қилинаётган 608 нафар шахс ҳибсга олинди. Мамлакатнинг ўнлаб музофотларида олиб борилган махсус операция вақтида 178 нафар болалар куликдан озод қилинган.
- Бразилияда янги йил байрамининг асосий қахрамонларини ўқитадиган мактаб очилди. Бу ерда фаолиятини эндиgina бошлаётган Қорбоболарга турли ёшдаги болалар билан гаплашиш, тўғри пардоз қилиш ҳамда соқол ёпиштириш сир-асрорлари ўргатилади.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Азборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Оққўргон» маҳалласида «Конституция — ҳуқуқий маданият тимсоли» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Бектемир туман бўлими томонидан туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзусида тадбир ва байрамга бағишланган кўргазмалар ташкил этилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида ахборот-ресурс маркази ходимлари учун «Янги нашрлар» деб номланган маърифий тадбир ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма йили давомида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёнида бошқа соҳалар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини муостаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу институтни жамият сийси, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ғоят муҳим бирламчи бўлини сифатида кучайтириш бўйича таъсирчан ва кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ломоносов номи Москва давлат университети Тошкент филиалида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги фуқаролар йиғинларининг фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг 2006-2011 йиллардаги фаолияти ҳамда бўлим тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари эшитилди. Шунингдек, маҳалла раислари (оқсоқоллари) сайловнинг яқулини сарҳисоб қилинди.

— Сўнгги йилларда Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан ўтказилганда хайрия ҳаётлари давомида ҳудудларни ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда, ёлғиз фуқароларнинг уй-жойларини таъмирлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш амалиётга киритилди, — деди жумладан «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси вазифасини бажарувчи Б. Исматов. — Масалан, биргина 2011 йили ҳар иккала байрамлар арафасида ўтказилган ҳашар кўнлари ҳомийларни жалб қилган ҳолда шахримиздаги 920 нафар кўмакка муҳтож ёлғизларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Бу мақсадларга жамғарма ва ҳомийлар ҳисобидан 84,0 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шонли саналар арафасида аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламларига, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотганларга жамғарма томонидан моддий-муруват ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда.

Болаларни иқтисодий ҳимоялаш юзасидан мактаб ва махсус мактаб-интернатлар қошида ёлғиз оромгоҳлар ташкил этилиб, ёлғиз таътил даврида иқтисодий ҳимояга муҳтож оилалар болаларининг дама олишларини таъминлаш мақсадида 125 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилиб, шундай оилаларда тарбияланаётган болалар учун бепул йўлланмалар ажратилди. Ҳисобот даврида эҳтижман оилаларнинг 442 тасига тури маросимларни ўтказишга кўмаклашилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини тақомиллаштириш мақсадида шахримизда 50 та замонавий маҳалла гузарлари барпо этилди. Гузарлар қурилишига жамғарма маблағлари билан бирга ҳомийлар маблағлари кенг жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллиги муносабати билан жорий йилнинг июль-август ойларида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида А. Навоий номидаги миллий богда, шунингдек,

шаҳримизнинг барча маданият ва истироҳат боғларида, маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, ушбу тадбирларда 26 мингдан ортқ фуқаролар қатнашдилар.

Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларнинг бир тизимда олиб борилишини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда «Маънавият тарғиботи» комиссияси, жамоатчилик асосида 476 дан зиёд тарғибот ғруҳлари, 358 та маҳаллаларда «Маънавият хоналари» ташкил этилган, 98 та ахборот ресурсларига фаолият кўрсатилмоқда.

Кўрик-танловларнинг 2006-2011 йиллардаги натижаларига кўра Олмазор туманидаги «Намуна», «Янги Себзор», «Эски

Анжуманлар КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

шаҳар», Учтепа туманидаги «Шофайзобоғи», Шайхонтоҳур туманидаги «Чақар», Юнусobod туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иш фаолияти намунали деб топилди, уларнинг тажрибалари оммалаштирилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги ПҚ-1096 ва 1144-сонли қарорлари ижроси юзасидан аҳолининг, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг репродуктив саламатлигини муҳофазаси килиш ва соғлом оилани шакллантириш борасида бир қатор амалий ишлар бажарилди. Оилаларнинг иқтисодий-маънавий аҳолини ўрганиш орқали кам таъминланган, тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли, хотин-қизлар ва ёшларни аниқлаб, уларни соғломлаштиришда моддий қўллаб-қувватлаш ишлари амалга ошириб боришмоқда.

Шунингдек тадбир давомида «Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»дан келиб чиқиб, 2012-2014 йилларга мўлжалланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари институти — маҳалла фаолияти ташкилий асосларини янада тақомиллаштириш, унинг вазифалари қўлланини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органла-



ри билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш бўйича жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, жумладан, маҳаллаларда иқтисодий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудда яшайдиган иқтисодий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган шахсларга мунтазам равишда меҳр-муруват ёрдамлари кўрсатиш, маҳаллаларни аниқ йўналтирилган асосда аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш каби масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Бу борада сўз олган Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Р. Шералиев, Олмазор туман «Маҳалла» жамғармаси раиси А. Раҳимов, Шайхонтоҳур туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Н. Музаев, Миробод туман «Сарикўл» маҳалласи раиси Х. Авазова, Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалласи раиси М. Валиева ва бошқалар ҳам олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Бундан ташқари, конференцияда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг янги таҳрирдаги Устави, рамзи ҳамда тузилмаси муҳокама этилди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви янги таркиби сайланди. Жаваб Инोगомов «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
СУРАТДА: ҳисобот-конференциясидан лавҳа.
Козим Улмасов олган сурат

ВАТАНИМИЗ ИСТЕЪДОДЛАРИ

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган музика академик лицейида «Ватанимиз истеъодлари» мавзуида концерт бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур концертта Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари тақлиф этилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни соғлом ва барқарор этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини муостаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ушбу йўналишдаги билим масканлари фаолиятини тақомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Иқтидор соҳибларига кўрсатилаётган меҳр-этибор натижасида мамлакатимиз ўғил-қизлари республика ва халқаро миқёсдаги иходий танловлар, концерт ва фестивалларда фаол иштирок этмоқда. Жорий йилда В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган музика академик лицейининг ўқувчилари Франция, Германия, Италия, Россия, Украина, Қозғоғистон ва бошқа мамлакатларда ўтказилган ўттиздан ортқ халқаро фестивалларда муваффақиятли қатнашгани бунинг тасдиғидир.

«Ватанимиз истеъодлари» концертида «Янги авлод - 2011» болалар иходий фестивалининг Тошкент шаҳар босқичида голиб бўлган ижрочилар, бадиий жамоаларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири

Иқтисодиёт ИШЧИЛАР САФИ ОРТАДИ

«CFM ProEnergies» очик акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Ўзсаноатмашинпекс» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Сингапурнинг «CFM Holding» компанияси шерикчилигида ташкил этилган.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган светодиод лампалари ва ёритиш ускуналари энг замонавий электротехника маҳсулотларидан ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги корхона нафақат ҳудудимизда, балки МДҲда ҳам илк бор ишга туширилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни айтиш жоизки, беш миллион АҚШ долларилик ушбу лойиҳа ижроси туғайли 50 та янги иш ўрни яратилди. Замонавий технологик линиялар ўрнатилиб, етакчи мутахассислар қўмағида маҳаллий ёшлар уларни бемалол бошқариш имконига эга бўлишмоқда.

Қўшма корхонада маиший светодиод лампалари, кўчани ёритиш чироқлари, йўлчиноқлар, прожекторлар ва светодиод реклама панеллари ишлаб чиқарилади. Барча электр маҳсулотлар ҳозирда истеъмолда бўлганларидан кескин фарқ қилади. Масалан, улар энергияни тежаш, қулайлиги, бежирим дизайни ва албатта таннархи билан ажралиб туради.

Эътиборли томони, мазкур қўшма корхона тўла қувват билан иш бошлагач ишчи-хизматчилар сони 150 нафарга етади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ ЭЪЗОЗ ТОПМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган улкан эътибор, яратилаётган мустақкам ҳуқуқий асос, соҳа равнақи йўлидаги шарт-шароитлар юртимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланишига пойдевор бўлмоқда.

«Ҳазина бизнес» хусусий тикувчилик корхонаси эркак, аёл ва болаларга устки либослар тикишга ихтисослашган. Бу ерда миқдоринг хоҳиш-истаги асосида моҳир дизайнчи, қўли гул тикувчилар буюртмаларини ўз муддатларида сифатли бажаришмоқда. Жорий йилдан бошлаб оилавий корхонада кийим-кечакларни таъмирлаш хизмати йўлга қўйилди. Келгуси истиқбол режада ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсад қилинган.

— Халқимиз қадим-қадимдан ўзининг тадбиркорлиги билан ном қозониб келган, — дейди хусусий корхона раҳбари Озод Тошмухамедов. — Истиқлол туғайли ана шу боқий анъаналаримиз, қадриятларимиз қайта тикланди, уларни ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлар учун берилаётган имтиёзлар, яратилаётган қулайликлар сабаб, миллий қадриятларимизни, анъаналаримизни ўзида муҷассам этган кўплаб касб-хунарлар ҳам изчил ривожланишмоқда.

Ушбу оилавий тадбиркорлик корхонаси раҳбари ҳуқуқий иқтисодий билимларнинг асосини яхши билади, унинг асли мутахассислиги — иқтисодчи. Бу корхона ривожида, берилган имкониятлардан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонада келинчаклар учун либослар тикиш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, эркаклар костюм-шимпалари ўзининг замонавий дизайни билан миқдорлар эътиборини қозонмоқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Тадбиркорлик — прокуратура ҳимоясида

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» — ИШБИЛАРМОНЛАРГА ҚАНОТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳаётининг 2010 йил 30 июлдаги мажлиси баённомасининг 4.4-банди талабларини таъминлаш мақсадида шаҳар прокуратураси шаҳар ҳокимияти, ДСБ, ИИББ, СВОЖДЛҚКД шаҳар бошқармаси, Адлия бошқармаси ҳамкорлигида туманларда тадбиркорлар билан учрашиш жадвали ишлаб чиқилиб, шаҳар ва туман прокурорлари томонидан 2011 йилнинг ўтган 10 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан 314 та учрашувлар ташкил этилди.

Очиқ мулоқотларда қатнашган 27242 нафардан зиёд тадбиркорлардан 3181 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 424 нафар ишбилармонларга амалий ёрдам кўрсатилган. Шу жумладан, бевоқиф ва беқўра прокуратураси томонидан 12 та учрашув ўтказилган.

Энг муҳими, 63 нафар тадбиркорга 8 миллиард 749,1 миллион сўм миқдорига кредит маблағлари олиншида, 361 нафар тадбиркорга янги жамият ташкил қилиш, жамият Низомининг рўйхатга олинишида ёки бирон бир фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берувчи вужоҳномаларга эга бўлишида яқиндан ёрдам берилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига қулай шaroит яратиш мақсадида шаҳар прокуратурасида «007» рақамли ишонч телефони жорий қилиниб, уни кенг оммага етказиш учун 500 та плакатлар chop этилиб, назорат қилувчи идоралар, бозор ва савдо комплекслари, Давлат нотариал идоралари ва бошқа кўринарли жойларга ўрнатилди. Бундан ташқари «Тошкент оқшомини», «Вечерний Ташкент», «Хуқуқ» газеталарида ҳар ойда икки мартаба, «Тошкент» ва «Ёшлар» телеканалларида махсус видео роликлар орқали ишонч телефонни рақамлари ҳақида эълонлар бериб боришмоқда.

Бунинг натижасида, «007» рақамли ишонч телефони орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими ва туман прокуратураларига 2011 йилнинг 11 январидан 1 ноябрга қадар тадбиркорлар томонидан назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний арашауви ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши юзасидан 75 та муурожаатлар келиб тушган бўлиб, шун-

дан 26 таси қаноатлантирилган, 17 таси ўз тасдиғини топмаган, 32 таси юзасидан муурожаат этилган маслаҳатлар берилиб, 424 нафар ишбилармонларга амалий ёрдам кўрсатилган. Шу жумладан, бевоқиф ва беқўра прокуратураси томонидан 12 та учрашув ўтказилган.

Масалан, 2011 йил 10 августда Юнусobod туман прокуратурасининг ишонч телефони «Кошин» хусусий фирмаси бош ҳисобчиси В.Мирзаева муурожаат қилиб, Юнусobod туман статистика бўлими бошлиғи уни маъмурий жавобгарликка тортмаслик эвазига 100 АҚШ долларини пора тариқасида талаб қилаётганлигини баён этган.

Мазкур муурожаатда келтирилган важлар Юнусobod туман прокуратураси томонидан қўриб чиқилиб, улар ўз тасдиғини топган ва 2011 йил 10 август кунин Юнусobod туман статистика бўлими бошлиғига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси, 2-қисми, «в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Шунингдек, 2011 йил 17 сентябрда Чилонзор туман прокуратураси ишонч телефони «Рус-Нар Савдо» ХК раҳбари Р.Юнусбеков муурожаат қилиб, туман халқ таълими бўлими мансабдор шахслари томонидан ноқонуний равишда танлов ўтказилганлигини баён этган.

Мазкур муурожаат бўйича Чилонзор туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра, 2011 йил 19 сентябрь кунин Чилонзор туман халқ таълими бўлими мансабдор шахслари нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда ушбу иш юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

З.Зиядуллаев,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида тиббиёт ходимлари билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этилади. Бу йил ҳам шаҳарчада ана шундай саломатлик мавсуми бошланди.

Саломатлик мавсуми доирасида Турин политехника университети қошидаги академик лицейда «Биз соғлом турмуш тарғибдоримиз» шиори остида учрашув ташкил этилди. Мазкур тадбир «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ шахарча бўлими, «Соғлом авлод учун» Халққаро хайрия жамғармаси ва Олмазор тумани ФХДБ бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган бўлиб, ўндан қўзланган асосий мақсад — талабалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий кўникмаларини кучайтириш ва уларни ҳар томонлама турмушга тайёрлашдир.

— Соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси шахарча бўлими бош мутахассиси Шоира Насриддинова. — Агар биз ёшларимизга бугунданок «Соғлом она — соғлом бола» концепциясини тарғиб қилиб бораёк, қўзлаган ниятимизга албатта эришамиз. Бир сўз билан айтганда, биз шундай учрашувлар орқали ёшлардаги оила билан боғлиқ тиббий кўникмаларини шакллантиришни мақсад қилиб олганмиз.

— Тадбирда сўзга чиққан Республика «Соғлом авлод учун» Халққаро хайрия жамғармаси мутахассиси Ноҳира Рўзиева «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ немас билан хавfli?» мавзуидаги маърузасида бугунги кунда қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг қўпайиб кетаяётганлиги ва бунинг натижасида дунёда келаятган ногирон фарзандлар ҳақида таъкидлаб, бундай никоҳнинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини ёшларга илмий жиҳатдан шарҳлаб бер-

ди. Олмазор тумани ФХДБ бўлими мутахассиси Луиза Маҳмудбекова ўзининг қизиқарли маърузаси орқали ёшларга тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг мақсади ва аҳамиятини атрофлича тушунтириб берди.

Тадбир сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга муурожаат қилиб, керакли тиббий билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Ўйлашмики, бундай тадбирлар ёшларни оила қуришга тайёрлашда ўзига хос мактаб бўлса ажаб эмас.

Ўтқир МАҲКАМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 3-босқич талабаси

Кичик бизнес

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бу эса ўз навбатида ички бозорда харидор талабига мос импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотларнинг қўпайиши ва сифати ортишида муҳим ўрин тутмоқда.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан тайёрланаётган қўлаб маҳсулотлар халқаро андозаларга мос бўлиб, уларнинг хорижидан асло қолишмайдиган турлари ишлаб чиқаришмоқда. Фаолиятини икки йил аввал йўлга қўйган «Nona Textile Import Export» хусусий фирмаси маҳсулотлари сифати ва харидорлиғи билан истеъмолчиларга бирдай манзур бўлмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи бирмунча арзонлиги, чет эл маҳсулотлари ўрнини босиши билан ажралиб туради.

Ҳозирда цехларда маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланилган ҳолда эркак ва аёллар учун трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришмоқда.

— Маҳсулот сифатига катта эътибор қаратганмиз, — дейди корхона раҳбари Машхура

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саламатлигини муостаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқарор авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди.

Тадбирлар ҚАРОР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

биз шундай учрашувлар орқали ёшлардаги оила билан боғлиқ тиббий кўникмаларини шакллантиришни мақсад қилиб олганмиз.

— Тадбирда сўзга чиққан Республика «Соғлом авлод учун» Халққаро хайрия жамғармаси мутахассиси Ноҳира Рўзиева «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ немас билан хавfli?» мавзуидаги маърузасида бугунги кунда қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг қўпайиб кетаяётганлиги ва бунинг натижасида дунёда келаятган ногирон фарзандлар ҳақида таъкидлаб, бундай никоҳнинг қандай салбий оқибатларга олиб келишини ёшларга илмий жиҳатдан шарҳлаб бер-

ди. Олмазор тумани ФХДБ бўлими мутахассиси Луиза Маҳмудбекова ўзининг қизиқарли маърузаси орқали ёшларга тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг мақсади ва аҳамиятини атрофлича тушунтириб берди.

Тадбир сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга муурожаат қилиб, керакли тиббий билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Ўйлашмики, бундай тадбирлар ёшларни оила қуришга тайёрлашда ўзига хос мактаб бўлса ажаб эмас.

Ўтқир МАҲКАМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 3-босқич талабаси

Тошпўлатова, — матолар асосий қисмининг маҳаллий хом ашё — юз фоиз пахтадан тайёрланишига эришмаямиз. Ишлаб чиқариш цехимизда тўксонга яқин ишчи меҳнат қилади. Келгуси йўлга келиб ишлаб чиқаришини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиб, ҳар бир мавсумни ҳисобга олган ҳолда эркак, аёл ва болалар учун устки кийимлар тайёрлашни йўлга қўйиш режасини тузганмиз. Маҳоратли дизайнер, модельерлар томонидан келгуси йил учун янги кўринишдаги маҳсулот андозалари лойиҳаси тайёрланиши бошлаб юборилди.

Корхона маҳсулотларини пойтахтимизнинг йирик савдо мажмуалари расталарида учратиш мумкин. Энг муҳими эса тадбиркорлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидорларга ҳар томонлама манзур бўлаётганидир.

Равшан ЮНУСОВ

ЖАҒАП ПИРАТТЕР

ДУШАҢБА, 12

«Ўзбекистон»

6.55 Кўрсатувлар тартиби. 6.55 «Ассалом, Ўзбекистон!», 7.00 ТВ - анонс. 7.05 «Олам ва одам» дастури: «Табият мўъжизалари». 7.20 «Икким».

«Ёшлар»

6.00 Ватан меҳри. 6.10 «Мультианорама». 6.20 «Морена Клар» Т/с. 6.25 «Ёшлик навалари».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

СЕШАҢБА, 13

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар тартиби. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 7.00 «Икким».

«Ёшлар»

6.00 Ватан меҳри. 6.10 «Мультианорама». 6.20 «Морена Клар» Т/с.

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

ЧОРШАҢБА, 14

«Ўзбекистон»

6.55 Кўрсатувлар тартиби. 6.55 «Ассалом, Ўзбекистон!», 7.00 «Икким».

«Ёшлар»

6.00 Ватан меҳри. 6.10 «Мультианорама». 6.20 «Морена Клар» Т/с.

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

ПАЙШАҢБА, 15

«Ўзбекистон»

6.55 Кўрсатувлар тартиби. 6.55 «Ассалом, Ўзбекистон!», 7.00 «Икким».

«Ёшлар»

6.00 Ватан меҳри. 6.10 «Мультианорама». 6.20 «Морена Клар» Т/с.

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Ўйтаёт йўлларида». 6.10 Миллий сериал: «Умр сўқомларида».

Чилонзор тумани 1-мавзе, 21-уй, 51-хонадон манзили бўйича Чилонзор тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 24 июнда № 007113-08 рақамли қўғуноҳнома эга (ИНН:302037473) «FEI-Tai» масулияти чекланган жамияти тугатилди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР «AG CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этати!

(Давоми 4-бетда).

